

---

## #ТАЪЛИМ

Президент топшириғига биноан Фарғона политехника институтида энергетика соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини дуал таълим шаклида ташкил этишга қаратилган малака ошириш курси бўлиб ўтмоқда.

Мамлакатимизда энергия ресурсларига талаб йилдан йилга ошиб бормоқда. Бунга мос равишда янги станциялар қурилиб, манбалар қўпайтирилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев 27 август куни энергия тежамкорлигини таъминлаш, муқобил қувватлардан фойдаланишни кенгайтириш масалалари муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказди. Фарғона политехника институти олимлари томонидан Фарғона туманидаги йирик объектларнинг электр истеъмоли ўрганилиб, илмий-техник асосланган таҳлиллар берилгани таъкидланди. Шу билан бирга, энергетика соҳаси учун кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари олдида ҳудудларда электр энергиясидан самарали фойдаланиш бўйича таҳлилий, илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга доир топшириқлар берилди.

Топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, институтда жорий йилнинг 4-5 сентябрь кунлари энергетика соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини дуал таълим шаклида ташкил этишга қаратилган 16 соатлик (офлайн) малака ошириш курси бўлиб ўтмоқда.

Унда республикаимиздаги энергетика соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг 50 нафардан ортиқ кафедра мудар ва профессор-ўқитувчилари ҳамда ҳамкор ташкилот вакиллари қатнашмоқда.

Анжуманда сўзга чиққанлар ҳозирда юртимизда энергетика соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда соҳадаги муаммоларга илмий ечим топишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-04 22:38:31